

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1460-ҳадис

* Ҳадиснинг маъноси: «Аллоҳим, Абдуллоҳнинг қилмишларини кўзларим билан кўришимни, унинг қилмишларини юмиб қўйдилар. Сўнгра: «Агар руҳ олинса, кўз унга эргашади», дедилар. Абдуллоҳнинг аҳлидан бўлган кишилар баланд овоз ила шовқин қилиб юборишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзингизга дуо қилаётганингизда, фақат яхшилик сўранглар, чунки фаришталар айтаётган нарсангизга омиён, деб туришади», деб қуйидаги дуони ўқидилар: «Аллоҳуммағфир лиабий Саламата варфаъ дарожатаҳу фил маҳдийийна вахлуфҳу фий ʼақибихи фил ғобирийна вағфирлана ва лаҳу йа роббал ʼаламийн вафсаҳ лаҳу фий қобриҳи ва навир лаҳу фийҳи».

1. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг олдида кирганларида, у зот вафот этиб, кўзлари очиқ қолган эди, бас у зот унинг кўзларини юмиб қўйдилар. Сўнгра: «Агар руҳ олинса, кўз унга эргашади», дедилар. Абу Саламанинг аҳлидан бўлган кишилар баланд овоз ила шовқин қилиб юборишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзингизга дуо қилаётганингизда, фақат яхшилик сўранглар, чунки фаришталар айтаётган нарсангизга омиён, деб туришади», деб қуйидаги дуони ўқидилар: «Аллоҳуммағфир лиабий Саламата варфаъ дарожатаҳу фил маҳдийийна вахлуфҳу фий ʼақибихи фил ғобирийна вағфирлана ва лаҳу йа роббал ʼаламийн вафсаҳ лаҳу фий қобриҳи ва навир лаҳу фийҳи».

Имом Муслим ривоятлари.

(Маъноси: Аллоҳим, Абу Саламани мағфират қил. Унинг даражасини ҳидоят топганлар қаторига кўтар. Орқасида қолганларга Ўзинг унинг ўрнини бос. Эй оламлар Рабби, бизни ва уни мағфират қил. Унинг қабрини кенг қил, нурга тўлдир.)

(Бу дуони ўқиётганда «Абу Салама»нинг ўрнига ўлган кишининг исми айтилади.)



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI